

**«Андижон ХЭТК» АЖ
Акциядорларининг навбатдаги
2016 йил «28» июнь умумий
йигилиши қарори билан
ТАСДИКЛАНГАН**

_____ **С.И.Юсупов**

**«Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси»
акциядорлик жамияти**

ИЧКИ НАЗОРАТ ТУГРИСИДА

Н И З О М

Андижон шаҳри.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

II. ИЧКИ НАЗОРАТ МЕХАНИЗМИ ВА УНИНГ МАКСАДИ.

III. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ АМАЛ КИЛИШ

ПРИНЦИПЛАРИ.

IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ КИСМЛАРИ.

V. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН ЖАВОБГАР БУЛИМ ВА ШАХСЛАР.

VI. ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ ИШ ТАРТИБИ ВА УСУЛЛАРИ.

VII. ХУЛОСА.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

Ушбу Ички назорат тугрисидаги Низом Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисида»ги қонуни, «Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш» комиссиясининг 2015 йил 31 декабрь 9-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси, жамиятдаги ички ҳужжатларга ҳамда «Андижон ХЭТК» АЖ Уставига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган.

Низом Ички назорат тизимининг мақсад ва вазифалари, уларнинг ишлаш принциплари, ички назорат тизимини амалга ошириш учун жавобгар бўлим ва шахсларни белгилайди.

II. ИЧКИ НАЗОРАТ МЕХАНИЗМИ ВА УНИНГ МАҚСАДИ.

Ички назорат - бу жамият фаолиятига тизилган ва тавақилчиликларни бошқарув жараёни бўйича самарадорликка эришиш учун йуналтирилган, назорат қилиш, корпоратив бошқарув, қуйидаги фаолиятларда эса асосланган ва нисбатан мақсадларга эришиш учун тухтовсиз ҳаракат қилувчи фаолиятдир:

самарадорлик ва унумдорлик фаолияти, самарадорликка ҳаракат қилиш, фойда олиш ва активларни ҳимоя қилиш;

молиявий ҳисоботларни ишончлилиги ва очиклилиги;

жамият фаолиятини йулга қуйувчи қонунчилик ва ҳуқуқий талабларга мослиқ.

Бундан ташқари ички назорат - молиявий ҳужалик жараёни назорати бўйича Жамият Қузатув кенгаши, ижро органи, назоратчи хизмат ва бўлимлар ходимлари томонидан аниқ мақсадларни бажарилиши бўйича амалга оширилувчи олиб борилаётган фаолият ҳисобланади.

Ички назорат турлари

Олдиндан, Жорий, Кейинги назорат турларига бўлинади.

Олдиндан назорат қилиш. Бу ички назорат тури молиявий ҳужалик жараёнини бажарилмасдан туриб амалга оширилади. Ушбу назорат тури ҳужалик жараёнини бажаришдан мақсад ва унинг қонунийлигини олдиндан аниқлаш имконини беради. Ушбу назорат турини жамият Бош директори, директорлар, бош ҳисобчи ва бўлим бошлиқлари томонидан амалга оширилади. Улар тузилаётган бизнес-режа, тузилаётган шартномалар, ҳаражат режалари ва уларнинг турлари, жараёнларни бажарилиш учун тузилаётган бошланғич ҳужжатларни урганиш йули билан амалга оширилади.

Жорий назорат. Қунлик молиявий ҳужалик фаолияти жараёнларини

бажарилишини назоратга олиш, бухгалтерия хисобини юритилиши, мақсадли харажатлар бажарилишини мониторинг қилиш, харажатларнинг самарадорлиги ва натижаларини баҳолаш вазифалари қиради. Бу назорат тури доимий равишда хисобхона мутахасислари ва айрим булимлар бошликлари томонидан назоратга олинади.

Кейинги назорат. Хужалик жараёнлари булиб ўтгандан сўнг бухгалтерия ҳужжатларини ва ҳисоботларини текшириш, уларни таҳлил қилиш, инвентаризация ва бошқа зарурий усулларни қўллаш йули билан ўтказилади. Кейинги ички назорат ўтказишдан мақсад бажарилган жараёнларнинг қонунийлиги йўл қўйилган ҳатоликларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилишдан иборат. Кейинги назорат тафтиш комиссияси аъзолари, ички аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

Ички назорат тизими - бу тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, кузатув кенгаши, ижроия органи ва бошқа барча даражадаги ходимлар, улар вазифалари орқали ички ҳужжатлар асосида тартибга солинувчи ички назоратнинг ташкилий тузилма жамланмаси, назорат қилиш чораси, бажариладиган иш тартиби ва усули ҳисобланади.

Ички назоратнинг иш тартиби - бу тафтиш комиссияси, кузатув кенгаши, кузатув кенгашининг аудит бўйича комитети ёки ички аудит хизмати, ижроия органи, ички назоратни амалга оширувчи назоратчи булимлар ва бошқа барча даражадаги ходимларнинг қонунчиликни, жамият молия хужалик фаолиятини амалга оширишдаги ички ҳужжатлар бузилишини аниқлаш, жамият мақсадларини амалга оширилишидаги самарадорликни баҳолаш бўйича ички назорат субъектларини ички назорат тизимини йўлга қўйишдаги узаро муносабатларини аниқлатади.

Ички назоратнинг асосий мақсади акциядорларнинг, миноритар акциядорларнинг қонуний ҳуқуқ ва қонуний қизиқишларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ички назорат тезкор тартибда қуйидагиларни таъминлаши керак:

- активлар сақланиши, жамият ресурсларидан иқтисодий ва унумли фойдаланиш;
- ҳаракатдаги қонунчилик ва жамият ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;
- бизнес режа ва жамиятнинг урта ва узок муддатга мулжалланган ривожланиш режаларини амалга ошириш;
- жамиятнинг бошқарув ҳужжатлари, молиявий ҳисоботлари ва бухгалтерия ҳужжатларини тулиқлиги ва аниқлигини таъминлаш;
- жамият фаолиятида пайдо бўлган тавақалчиликларни ўз вақтида таҳлил қилиш ва аниқлаш;
- жамият фаолиятидаги тавақалчиликларни режалаштириш ва бошқариш, тавақалчиликни бошқаришда ўз вақтида аниқ қарорлар қабул қилиш;

- ишбилармон давралар ва истеъмолчилар уртасида жамият обрусини урнатиш ва саклаш;

- ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясининг рағбатлантириш туловларини, уларнинг микдорларини аниклилиги, тиниклилигини таъминлаш.

Ички назоратнинг мақсад ва вазифалари:

- жамият бошқарув системасини очиклилиги ва тиниклилигини таъминлаш;
- молиявий хужжатлар, бухгалтерия хисоби маълумотлари, бошқарув ва бошка хисоботларни туликлилиги, ҳаққонийлигини назоратга олиш;
- хисобхона хужжатларидаги хатоликлар, бузилишлар ва ноаникликларни тугрилаш;
- жамият молиявий хужжалик фаолияти мақсадларига эришишда салбий таъсир курсатувчи факторларни аниклаш ва уларни бартараф қилиш буйича таклифлар тайёрлаш;
- жамият ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда молиявий хужжалик фаолияти натижалари яхшилаш буйича тавсиялар бериш;
- жамият мақсадларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига, Ижроия органларининг раҳбарий буйруқлари ва топшириқларига риоя қилинишини назоратга олиш.

III. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ.

Ички назорат тизими қуйидаги принципларга асосланган:

узлуксиз ҳаракат қилиш - ички назоратнинг доимий ва талаб этиладиган даражадаги фаолияти, жамиятда ҳар қандай нормадан четга чиқишни ва уларнинг келажақда пайдо бўлишини олдини олади;

ички назорат тизими иштирокчиларини хисобдорлиги – назоратни ҳар бир шахс буйича сифатли бажарилиши, бошка ички назорат иштирокчиси томонидан назорат қилинади;

вазифалар тақсимланиши - жамият назорат вазифаларини тақрорланмаслига ҳаракат қилади, у шундай тақсимланадики бир шахс бир вазифани ёки жараённи доимо тақрорлаб назоратга олмайди;

жараёнларни керакли тарзда тасдиқлаш ва маъқуллаш – жамият маъсул шахслар томонидан барча молия хужжалик жараёнларини вақолат даражасида тасдиқланишини тартибга солишга ҳаракат қилади;

қўнлик ички назоратни амалга оширувчи жамият бўлимларини ташкилий ажратишини ва уларни тугридан тугри кузатув кенгашиги хисобдорлигини таъминлаш;

жамиятда ишловчи барча ички назорат субъектларини ички назорат вазифаларини тегишли даражада бажарилишини таъминлаш;

жамият барча булимлари томонидан ички назоратни узаро ҳамкорликда амалга ошириш;

доимий ривожлантириш ва такомиллаштириш – жамият ички назорат тизимини эгилувчан булиб мослашиши учун шароит билан таъминлашга, янги вазифаларни ҳисобга олган ҳолда мослаша олишга, уни кенгайтиришига ва ривожлантиришга ҳаракат қилади;

фарк(огиш)лар тугрисида уз вақтида хабар бериш – жамиятда фарк(огиш)лар тугрисида қарор қабул қилиш вақолати бор шахсларга маълумот беришнинг жуда қисқа муддатлари белгиланган;

назорат йулга қуйилаётган жамият фаолиятдаги бирламчи йуналишлар аниқланади - ҳаракат қилиш самарадорлигини улчаб булмасада ички назорат тизими қамраб олган стратегик йуланмаси ажратилади.

IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ.

Ички назорат тизими қуйидаги узаро бир бирига боғлиқ булган таркибий қисмларни уз ичига олади:

ахлокий кадриятлар, жамият ходимлари вақолати, раҳбарлар сиёсати, раҳбариятнинг вақолати ва жавобгарлигини тақсимлаш усули, жамият ташкилий тузилмаси, Қузатув кенгаши томонидан раҳбарлик ва бошқарувни узичига олувчи назорат муҳити;

таваққалчиликларни боҳолаш - маълум бир мақсадларга эришиш даврида, узаро, ҳар хил босқичларда бир бирига боғлиқ булган таваққалчиликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

раҳбарлар қарорлари бажарилаётганлиги қафиллигига ёрдам берувчи жамият сиёсати ва муолижаларини жамловчи назорат фаолияти;

маълумотларни уз вақтида унумли аниқланиши, уларни руйхатга олиш ва улар алмашинувиға йуналтирилган маълумотлар таъминоти ва маълумот алмашинуви фаолияти;

мониторинг- вақт утиши билан тизим иш сифатини боҳоловчи бошқарув ва назорат функциялари

V. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН ЖАВОБГАР БУЛИМ ВА ШАХСЛАР.

Жамиятнинг ички назорати жамият тафтиш комиссияси, Қузатув кенгаши, Ижроия органи раҳбарлари, Ички аудит хизмати, барча булим бошлиқлари ва ходимлари томонидан олиб борилиб, бунда барчаси ички назорат учун жавобгар ҳисобланади.

Жамиятдаги ишлаётган ёки фаол қурсатаётган булимлар уларнинг вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари, улар учун товон тулаш, тақдирлаш тартиблари жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган булади. Ушбу ҳужжатлар бошқа ҳужжатлар сингари ички назорат саволларига тугридан тугри ёки бавосита таъсир қилади ва ушбу Низомга қарама қарши булиши мумкин эмас.

Жамият молиявий хужалик фаолияти назорати тартибли тарзда булиши максасида жамият ички назоратини ваколатли булим ички аудит хизматида, агар ушбу хизмат йук булган тақдирда жамият булим ва аъзолари билан ҳамкорликда ички назоратга маъсул килиб тафтиш камисиясини белгилайди.

Кузатув кенгаши вазифалари:

ривожланиш йуналишларини аниқлаш, ички назоратнинг аниқ жараёнларни ва стратегиясини маъқуллаш;

йиллик акциядорларнинг умумий йигилишида уз маълумотлари, бошқа ташки маълумотларга асосланган ҳолда ички назоратнинг барча томонлари: молиявий назорат, тезкор назорат, қонунчиликка риоя қилиш, ички тартибларга амал қилиш бўйича жамият ижроия органи раҳбариятининг доимий ҳисоботи, ички ва ташки аудит, тафтиш комиссияси маълумотлари, утқазилган таҳлил натижалари, ишонччилик баҳолари ва ички назорат тизимининг самарадорлиги ҳақида маълумот бериш;

жамият ички назорати учун маъсул булим тизими ва таркибини аниқлаш; ички назорат иш тизимини доимий такомиллаштириш.

Ҳисоботларнинг ҳақиқийлиги, молиявий ҳисоботларнинг тулиқлийлиги, жамият ички назорат тизимининг ишонччилиги ва самарадорлиги устидан назоратни ташкил қилиш жавобгарлиги Кузатув кенгашининг аудит бўйича қумитасига юқлатилган. Қумитанинг максаси, вазифалари ва ваколатлари Кузатув кенгашининг аудит бўйича қумитаси низомида белгиланган.

Ички назоратнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган жамият ички назорати сиёсатида асосланган ҳолда ҳаракат қилиши ижро органи раҳбарига юқлатилган. Ижро органи раҳбари Кузатув кенгашини уз вақтида маълумот билан таъминлаш билан биргаликда жамиятнинг барча таваққалчиликлари, ички назорат тизимидаги камчиликлар, уларни бартараф қилиш бўйича қурилган чора тадбирлар ва режалар, ички назорат системасининг иш тартибини тадбиқ қилиш ва унинг самарали амал қилишини таъминлайди.

Барча булим ходимлари, жамият раҳбарлари уз мавқеи ва ваколати даражасида назоратни амалга оширишнинг иш тартиби, унинг йуналишлари ва бутун тафсилоти бўйича ишлаб чиқишда тугридан тугри иштирок этади. Уларга ностандарт вазиятлардан, уларни пайдо булиш муаммоларидан чиқиб кетиш вазифалари юқлатилади. Аҳамиятли саволлар, аниқ битимларда пайдо булувчи таваққалчиликлар ҳақида жамият юқори раҳбариятига ахборот берадилар.

Жамият молиявий хужалик фаолияти ва унинг ажратилган булимлари устидан назорат қилиш жавобгарлиги доимий ҳаракат қилувчи орган – тафтиш комиссиясига юқлатилади. Тафтиш комиссиясининг максаслари, вазифалари, ваколатлари Тафтиш комиссиясининг низомида белгиланган булади.

Ички назорат тизими иш тартибини бажарилиши бўйича, яъни бажарилаётган молия – хужалик жараёнларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, жамият уставига мос қилиши, бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларнинг тулиқчилиги, ҳақиқийлиги учун жавобгарлик ички аудит

хизматига юклатилади. Ички аудит хизматининг роли, мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари Ички аудит хизматининг низомида белгиланган бўлади.

Ички аудит хизматининг низоми Кузатув кенгаши томонидан тасдикланади.

Ички аудит хизмати Кузатув кенгашининг ички аудит хизмати буйича кумитасига ички аудит тизими, ички аудит натижалари буйича ҳисобот беради. Ички аудит хизмати Кузатув кенгашининг ички аудит хизмати буйича кумитасига буйсунади.

Куйидаги шахслар жамият ички аудит хизматида лавозим эгаллаши мумкин эмас:

иктисодий тармок ва тартибга карши жиноят буйича тугалланмаган судланганлик булган шахслар;

жамият ижро органи рахбарлари ва аъзолари;

таъсисчи, жамиятга ракобатдош булган бошка юридик шахс ишчиси, рахбари ёки ижроия органи аъзоси;

Ички аудит хизмати ходимлари таркиби буйича бошка талаблар Жамият кузатув кенгаши ички аудит хизмати кумитаси томонидан белгиланади.

Ички аудит хизматининг етарли даражада харакат килиши ходимлар профессионаллигига хам боглик. Жамият ходимларни танлаш, олиш, укитиш, лавозим буйича харакати даврида юксак даража ва юкори ахлокий стандартларга эътибор бериши керак.

VI. ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ ИШ ТАРТИБИ ВА УСУЛЛАРИ.

Ички назоратнинг иш тартиблари:

жамият бошкарувида турли даражадаги узаро боглик ва бир бирига карши булмаган мақсад ва вазифаларни аниклаш;

жамият мақсадларига эришишда халакит берувчи тезкор мавжуд молиявий, стратегик ва бошка тавакалчиликларни руёбга чикариш ва тахлил килиш;

ички назоратнинг харакат килувчи таркибларини бахоллаш;

бизнес жараёнлар ички назорати самарадорлигини бахоллаш;

жамиятнинг мансабдор ва бошка шахслари, булимлар иш фаолияти самарадорликларини бахоллашнинг мезонларини аниклаш;

молиявий ва бошка маълумотларни утган давр маълумотлари ёки кутилаётган фаолият натижалари билан солиштириш;

вокеа, жараён ва транзакцияларни ҳисобини олишда айнан бир хилдаги усулларидан фойдаланиш;

активлар сакланишини текшириш;

ички назорат жараёнларини керакли тарзда хужжатлаштириш;

ички назорат тизими сифатини доимий бахоллаш;

жамият ходимлари уртасида зарур мажбуриятларни таксимланиши;

жараёнларни ваколатли шахслар билан тасдикланиши ва амалга оширилиши;

бошка ички назорат мақсадларига эришишдаги зарур муолижалар;

Ички назорат муолижаларини амалга оширишда кузатиш, тасдиқлаш, кайта ҳисоб китоб килиш ва бошка ички назорат учун зарурий муолижалар кулланилади.

VII. ХУЛОСА.

Ушбу Низом, унга киритилган қушимча ва узгартиришлар акциядорлар умумий йигилиш қарори билан тасдиқланади.

Ушбу Низомга жамият Қузатув кенгаши, жамият ташки аuidити, Тафтиш комиссияси, жамият ички аудит хизмати ва ижроия органи тақлифига биноан қушимча ва узгартиришлар киритилиши мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки белгиланган меъёрлар узгаришида ушбу Низомнинг айрим бандлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки жамият уставига зид бўлса, ушбу бандлар уз қучини йукотади ва ушбу масалалар ечими Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки жамият уставига асосланган ҳолда амалга оширилади.
